

ШИМОЛИЙ ХУДУДЛАРДА БАХОРГИ БЎҒДОЙ ЭКИБ ЕТИШТИРИШ

DOI: <https://doi.org/10.66073/ReFocus-Conf/QAXAI/1093>

Бауетдинова Инабат

Қорақалпоқ Давлат университети 3-курс доктаранти

ANNOTATSIYA

Мақолада, баҳорги бўғдой навларини Қорақалпоғистонни тупроқ-иқлим шароитида уч хил экиш ва уч хил озиклантириш меъёрида утказилган тадқиқот натижалари келтирилган. Саратов-29 навини 150 кг меъёрда экиб, 150 кг азот билан озиклантирганда, ҳосилдорлик 32,7 ц, 180 кг азот берилганда 36,6 ц ва 210 кг азот берилганда 38,8ц-ни ташкил этди.

Калим сўзлар: . Баҳорги бўғдой, нав, экиш меъёри, ўсиш, ривожланиш, маъдан ўғит,ўғит меъёри, ҳосилдорлик

Annotation. The article presents the results of a study conducted on the basis of three different planting and three different feeding of spring larch varieties Karakalpakstan in soil-climatic conditions. When the Saratov-29 Variety was planted at a norm of 150 kg and fed with 150 kg of nitrogen, the yield was 32,7 ts, when given 180 kg of nitrogen, 36.6 ts, and when given 210 kg of nitrogen, 38.8 ts.

Keywords: Spring chokeberry, variety, planting norm, growth, development, ore fertilizer, fertilizer norm, productivity

Республикаимизнинг шимолий ҳудудларида тупроқнинг механик таркиби, шўрланиш даражаси, сув таъминоти ҳамда суғориш ва ўғитлаш меъёрлари бошқа минтақалардан кескин фарқ қилади. Сув таъминоти ўз навбатида ўғитлар самарадорлигига сезиларли таъсир кўрсатади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, шимолий ҳудудларда эртапишар, иссиқликка, қурқоқчиликка, касаллик ва зараркундаларга чидамли баҳорги бўғдой навларини экиш, улардан юқори ва сифатли дон етиштириш муҳим вазифалардан биридир.

Шунинг учун биологик баҳорги бўғдой навларининг етиштириш технологиясини ишлаб чиқишда, уларнинг суғориш ва ўғитлашга таъсирчанлигини ўрганиш асосида, ўрганилаётган навлар кесимида оптимал экиш, суғориш ва ўғитлаш меъёрларини аниқлаш, уларнинг уруғчилик тизимини шакллантиришни талаб этади.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳосилдор, дон сифати юқори биологик баҳорги бўғдой навларини парваришlashда экиш меъёрлари, уларнинг биологик хусусиятларига мос, сув, минерал ўғит ресурсларидан, стимуляторлардан самарали фойдаланишга, дон таннархини пасайтиришга имкон берадиган агротехника ва уруғлик дон етиштириш технологияси ишлаб чиқилмаган.

Республиканинг шимолий ҳудудларида биологик баҳорги бўғдой навларини экиш, уларнинг биологик хусусиятларига мос оптимал экиш, суғориш ва ўғитлаш меъёрларини аниқлаш, уларнинг етиштириш агротехникасини яратиш, илмий асосланган уруғлик дон етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда уларни фермер хўжаликларида жорий этиш галлачиликдаги энг долзарб муаммолардан биридир.

Шунинг учун Қорақалпоғистон Республикаси шароитида баҳорги муддатларда бўғдой етиштириш орқали, кузги бўғдойнинг nobуд бўлган майдонларининг ўрнини тўлдириш ҳисобига, қисқа муддатларда юқори сифатли мўл ҳосил олишни таъминлаш ва иқлим-

шароитимизга мос навларни танлаб, уларнинг агротехнологиясини такомиллаштириб ишлаб чиқаришга тавсия этиш.

Бошоқли дон экинлари экиладиган минтақаларда уни мақбул муддат ва меъёрларда экиб, озиклантириш режими тўғри амалга оширилганда, ҳосилдорлик билан бирга дон сифатининг ҳам яхшиланишига эришилганлиги кўпгина илмий адабиётларда ўз аксини топган [1].

Ҳозирги вақтда тавсия этилаётган кузги бугдойнинг экиш муддатлари ва меъёрлари ҳамма вақт ҳам республикамизнинг турли тупроқ-иқлим шароитига мос келавермайди. Баҳорги бугдойнинг экиш муддатлари ва меъёрлари навнинг биологик хусусиятларига, иқлим шароитига, тупроқ типига ва бошқа бир қатор омилларга боғлиқ бўлади [2].

Бугдой етиштириладиган барча минтақаларда навнинг тарқалиши ўсув даврининг узунлигига боғлиқ. Олимларнинг кўрсатишича, ўсимлик ўсув даври ташқи муҳитнинг турли омиллари таъсирида қисқариши ёки узайиши мумкин [3].

Бугдой ўсимлигининг ўсув даври асосий биологик хусусиятлардан бири бўлиб, ҳар хил табиий иқлим шароитларига боғлиқ ҳолда бошоқлаш даври 7-9 кунгача ўзгариб туради [4].

Дала тажрибаси баҳорги бугдойнинг Саратов-29, Семург ва Жануб гавҳари навлари устида олиб борилди.

Тажрибада барча технологик ишлар, минтақа бўйича қабул қилинган умумий агротехника асосида ўтказилди.

Кузатишлар ва биометрик улчовлар модел ўсимликларда олиб борилди. Фенологик кузатишлар Кишлоқ хўжалик экинларини нав синаш инспекцияси методикаси бўйича ўтказилди [5].

Ўсимликнинг ўсиши, ривожланишини ўрганиш ва маҳсулдорлигини баҳолаш бўйича қуйидаги тадқиқотлар ўтказилди:

- ўсимликларни туп қалинлиги доимий кузатиш олиб бориладиган 1,0 м² майдончалардан олинди;

-биометрик кўрсаткичлари 10 дона ўртача ҳолатдаги ўсимликларда олиб борилди;

Вегетацион даври бўйича Жануб гавҳари нави 90-92 кунда, Семург нави 94-96 кунда ва Саратов – 29 нави 98-104 кунда пишиб етилишди. Навлар ҳосилдорлиги назорат (ўғитсиз) вариантда озиклантирилган вариантларга нисбатан паст бўлиши кузатилди. Бунда ҳосилдорлик Жануб гавҳари навида 24,0 ц/га, Семургнавида 25,4 ц/га, Саратов навида 26,8 ц/га бўлганлиги аниқланди. Энг юқори ҳосилдорлик N₁₅₀, P₇₀, K₅₀+ биостимулятор 3 кг/га озиклантирилган вариантда назорат вариантга нисбатан юқори, яъни Жануб гавҳари навида 28 ц/га, Семург навида 30,6 ц/га, Саратов навида 32,7 ц/га ни ташкил этди. Ушбу вариантларда навлар ҳосилдорлиги ўртача назорат (ўғитсиз) вариантга нисбатан 4,0-6,0 ц/га юқори бўлди.

N₁₈₀, P₇₀, K₅₀+ биостимулятор 3 кг/гаозиклантирилган вариантида Жануб гавҳари навида 34,2 ц/га, Семург навида 36,3 ц/га, Саратов навида 36,6 ц/га бўлди. Ушбу вариантларда навлар ҳосилдорлиги ўртача назорат (ўғитсиз) вариантга нисбатан 9,2-10,2 ц/га юқори бўлди.

Баҳорги бугдой навларининг суғоришга таъсирчанлигини аниқлаш тажрибасида ҳосилдорлик суғориш сони ошиши билан ҳосилдорлик ошиб бориши кузатилди. Навлар ҳосилдорлиги нам тўплаш ФОН вариантда суғорилган вариантларга нисбатан паст бўлиши кузатилди. Бунда ҳосилдорлик Семургнавида 20,8 ц/га, Жануб гавҳари навида 18,7 ц/га, Саратов навида 22,8 ц/га бўлганлиги аниқланди.ФОН+2 суғориш вариантида назорат вариантга нисбатан юқори, яъни Семург навида 24,2 ц/га, Жануб гавҳари навида 22,5 ц/га,

Саратов навида 27,7 ц/га ни ташкил этди. ФОН+3 суғориш вариантыда ҳам юқорида қайд этилган вариантларга нисбатан юқори бўлди. Бунда Семурғ навида 35,0 ц/га, Жануб гавҳари 30,8 ц/га, Саратов навида 37.5 ц/га ни ташкил этди. ФОН+4 суғориш вариантыда эса навларнинг ФОН+3 суғоришга нисбатан кескин фарқ қилмаганлигини кузатиш мумкин.

Уруғчилик бўйича, иккинчи йилги авлодларни синаш кучатзорида ҳарбир навдан 150 та ойла экилиб, вегетация давомидида икки марта куриқдан утказилди. Жануб гавҳари навида бошқа хил ўсимликлар билан аралашган ойла йўқ, ривожланишдан орқада қолган 1 ойла, морфологиялик белгилари бўйича 2 ойла, ҳосилдорлиги бўйича 2 ойла чиқитка чиқарилди. Семурғ навида , ривожланишдан орқада қолган 1 ойла, морфологиялик белгилари бўйича 1 ойла, ҳосилдорлиги бўйича 2 ойла чиқитка чиқарилди. Саратов-29 навида бошқа хил ўсимликлар билан аралашган ойлалар йўқ, ривожланишдан орқада қолган 1 ойла, морфологиялик белгилари бўйича 1 ойла, ҳосилдорлиги бўйича 1 ойла чиқитка чиқарилди.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб, шимолий ҳудудларни тупроқ-иқлим шароитларига мос, ҳосилдорлиги юқори бўлган маҳаллий баҳорги буғдой навларини жорий етиш, уруғчилигини йўлга қўйиш, ҳамда екин майдонларини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Халилов Н.Х. Кузги буғдой дон хосили ва сифатига экиш меъёри ва ўғитларнинг таъсири. “ Суғориладиган ерларда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш технологиясининг муаммолари”. Сам ҚХИ . Конф. туплами. – Самарқанд, 2004. – Б. 16.
2. Ходжакулов Т.Х. Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида интенсив типдаги юмшоқ буғдой селекцияси, уларни уруғчилиги ва нав агротехникаси // Докторлик дисс. автореф. Санкт-Петербург: 1991. – Б. 36.
3. Ремесло В.Н., Сайко В.Ф. Сортовая агротехника пшеницы. – Киев: “Урожай”, 1981. – С. 49-52.
4. Эгамов И., Адашев И., Мамадалиева Г. Кузги буғдой навларининг усиш-ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига экиш муддати, меъёрларини таъсири // Агро илм. – Ташкент, 2015. – N2-3. – Б. 20.
5. Методика государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур. Вып. 2: Зерновые, крупяные, зернобобовые, кукуруза и кормовые культуры / [Подгот. М. А. Федин и др.]. М. : 1989.